



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 23 июн, жума №90 (922)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

АМАЛИЙ ИШЛАР ДАВРИ

Россия пойтахтида МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди



Хамдўстликнинг бу галги саммити анча самарали кечди, десак муболага бўлмайдим. Уни илгариги учрашувлардан ажратиб турган жиҳат, эришилган келишувларнинг барчаси амалий асосга эга эканлиги ва президентлар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда қарорлар қабул қилганидир.

Дастлаб, Аксилтеррор маркази ҳақида. Ҳозирги кунда террор хавфидан буткул холи давлатнинг ўзи йўқ. МДХ доирасида эса бу иллат гоёт долзарб муаммо ҳисобланади. Шу муносабат билан, президентлар 2003 йилгача бўлган муддатда террорчилик ва экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши кураш департаменти бошчилигининг биринчи ўринбосари Борис Милников тайинланди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов илгари сурган яна бир гоё амалга ошди. Зеро, террорчиликка қарши давлатлараро миқёсдаги курашни мувофиқлаштирувчи марказ тузиш гоёсини илк бор Ислом Каримов Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХХТ)

ўтган йил ноябр ойида Истанбулда бўлган саммитида ўртага ташлаган эди. Орадан кўп ўтмай, шу йил январ ойида Москвада МДХ мамлакатлари давлат раҳбарларининг учрашуви бўлди ва унда ЕХХТ саммити натижаларидан келиб чиққан ҳолда, Хамдўстлик доирасида аксилтеррор маркази тузиш масаласи кун тартибига қўйилди. Президентлар ўшанда шундай марказ тузиш керак, деган яқдил фикрни баён этди. Бу галги саммитда эса аксилтеррор маркази тузиш учун тамал тоши қўйилди. Бу ангиланнишлар Ислом Каримовнинг узоқни кўра билувчи сиёсатчи эканлигини, унинг нафақат миллий, балки халқаро тараққиёт ва хавфсизлик борасидаги тақлиф ва тавсиялари пухта ўйланган, тўри, одил ва энг муҳими давр талабларига мослиги билан ажралиб туришини яна бир қарра исботлади.

Мазкур марказнинг тузилиши МДХ доирасида террорчилик ва экстремизмга қарши кураш самарадорлигини оширишда му-

ҳим қадам бўлди. Шу вақтга тегишли органларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштирадиган бирор муассаса йўқ эди. Шу маънода саммитда Афғонистондаги зиддият ҳамон ечим топмаётгани ҳам яна бир бор жиддий таъкидлаб ўтилди. Бу мамлакатда тайёрланаётган террорчилар ва наркотик моддалар бутун дунёга хавф солаётгани назардан тўтилиб, у ердан келиётган ривожлантириш бўлиб, солиқларни энгиллашти, савдо-иқтисодий алоқалар ривожига халал бераётган бошқа муаммоларни бартараф этиш орқали, Европа Иттифоқи каби ривожланган интеграциявий тизимни барпо этиш мумкин. Азёо давлатлар бундан фақат фойдаларга кўра, иқтисодий интеграцияни кучайтиришда шу вақтгача сезиларли сиришчи бўлмади. Хатто эркин савдо зонаси яратиш ҳақида олти йил аввал имзоланган битим ҳали ҳам кучга киргани йўқ. Қуни кеча яқин топилган Москва саммитида эса мазкур битимни ҳаётга татбиқ этиш учун ўзаро мулоқотларни кучайтиришга, жумладан, савдо-сотиқ борасидаги тўловлар ҳамда эгри со-

ликлар тартибини мувофиқлаштиришга келишиб олинди. Таъкидлаш жоизки, аънанавий савдо-иқтисодий алоқаларга эга бўлган МДХ мамлакатлари халқ хўжалигида бир-бирининг кам-қўстини тўлдирувчи омиллар жуда кўп. Аммо ўзаро фойдали имкониятларнинг барчаси ҳам ишга солинмапти. Ваҳоланки, божхона тўловлари, чегарадан ўтиш тартиби, транзит, солиқларни энгиллашти, савдо-иқтисодий алоқалар ривожига халал бераётган бошқа муаммоларни бартараф этиш орқали, Европа Иттифоқи каби ривожланган интеграциявий тизимни барпо этиш мумкин. Азёо давлатлар бундан фақат фойдаларга кўра, иқтисодий интеграцияни кучайтиришда шу вақтгача сезиларли сиришчи бўлмади. Хатто эркин савдо зонаси яратиш ҳақида олти йил аввал имзоланган битим ҳали ҳам кучга киргани йўқ. Қуни кеча яқин топилган Москва саммитида эса мазкур битимни ҳаётга татбиқ этиш учун ўзаро мулоқотларни кучайтиришга, жумладан, савдо-сотиқ борасидаги тўловлар ҳамда эгри со-

лий муддаони эса сиёсатга буриш камаймоқда. Саммитда сиёсий ва ҳарбий-сиёсий аҳамиятга молик масалалар ҳам кўриб чиқилди. Президентлар Тожикистондаги вазият барқарорлашиб бораётганидан мамнуният билдирди. Музокара-лар сўнггида бўлган матбуот анжуманида таъкидланганидек, МДХ ташки аралашувсиз, БМТ ёки бошқа халқаро ташкилотларнинг ҳарбий ёрдами-сиз муаммони ўзи ҳал қилишга қодир экани айнан Тожикистондаги воқеаларда ўз исботини топди. Хамдўстлик мамлакатлари ҳарбийларидан тузилган тинчликни сақлаш кучларининг фаолияти, Ўзбекистон, Россия каби давлатлар раҳбарларининг Тожикистонда миллий тотувилик ўрнатиб борасидаги ташаббус ва саъй-ҳаракатлари ўз натижасини берди. Бугунги кунда Тожикистонда вазиятни издан чиқарадиган ички кўпуровчи кучлар йўқ. Шу вақтгача бир миллионга яқин қочқин юртига қайтиди, мамлакат иқтисодиёти аста-секин оёққа турмоқда. Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидладики, МДХ мамлакатлари бир ёқадан бosh чиқариб, ҳолис ва хайрли ният билан ишга киришса, Хамдўстлик доирасидаги бошқа жоғира-ларга ҳам нукта қўйиш мумкин. Ҳа, МДХ мамла-катларида маълум дара-жада яқдиллик пайдо бўлмоқда. Бу эса МДХ ҳориждаги айрим кузату-вчилар башорат қилгани-дек, келажакда барбод бўладиган ёш бермай-диган ташкилот эмас, аксинча, иқтисодий инте-грация устига қурилган, ҳатто кези келганда, мин-такавий жоғироларни ечишдек фойдали ҳар-бий-сиёсий фаолият юри-тадиган тузилма ҳам эканини кўрсатмоқда.

Анвар БУБОЕВ, ЎзА махсус мухбири. Тошкент-Москва-Тошкент

Ижтимоий ҳимоя

Ҳозирги кунда Окқўрғон туманида 9 минг нафардан ортик нафақахўр истиқомат қилади. Шундан 123 нафари уруш, 48 нафари меҳнат ва 517 нафари болаликдан ногиронлардир. Йилга давлат томонидан нафақахўрлар ва ногиронларга 43 миллион сўмдан ортик пул тўланадиган.

ПЕНСИОНЕРЛАР РАҲМАТ ДЕЙИШМОҚДА

— Кейинги пайтларда «Тадбиркорбанк»нинг туман бўлими орқали нафақа пулларини олмақдамиз. Бунинг натижасида нафақа пулларини ўз вақтида етказиб бериш имкониятига эга бўлдик, — дейди туман ижтимоий-таъминот бўлими мудири Шоҳид Мирзахаримова. — Одamlарга нафақа пулларини ўз вақтида етказиб беришда туман алоқа бўлими ходимлари яқиндан ёрдам беришмоқда.

Ечилмаётган муаммолар жойларнинг ўзида маҳаллий фуқаролар йиғинлари ходимлари билан ҳамкорликда ҳал этилмоқда. Бу ерга келганларга эса ҳар бир ходимимиз алоҳида ҳурмат ва эътибор билан хизмат кўрсатишмоқда.

Хусусан, Лайло Шайдулина, Хадичахон ва Осидхон Ахтаева каби тажрибали ходимлар ми-жозлар олқишига мушарраф бўлмоқдалар.

Шуниси қувонарлики, ҳар йили юздан ортик нафақахўрлар ижтимоий таъминот бўлими орқали дам олиш уйлари ва санаторийларга бориб, соғлиқларини тиклашапти.

Шу йилда ўтказилган «Наврўз байрами-қариялар нигоҳида», «Ғалаба нашидаси», «Юз билан юзлашганлар», «Ногиронлар, сиз ёлғиз эмассиз» каби тадбирлар нафақахўр ва ногиронларнинг ҳақиқий байрамига айланиб кетди.

Нафақахўр ва ногиронларнинг турмушларидан мунтазам хабар олиб, уларнинг ҳаётлари яхшиланиб боришига мунтазам кўмаклашилмоқда. Сиҳатгоҳ ва дам олиш уйларига бориб даволанувчилар сонини кўпайтириш, болаликдан ногиронларга ёрдам кўрсатиши янада яхшилаш ва уларни устоз-шоғирд курсларида ўқитиб, хунарли қилиш, қаровсизларга кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш бўлимининг асосий вазифаларидандир.

П.ЭРГАШЕВ.

Бандлик дастури амалда

МЕҲНАТ БОЗОРИ

Ғиждувон аҳолиси анча зич жойлашган туманлардан бири саналади. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини тўла-тўқис ҳал қилиш жараёнида касабаси уюшма фаолларининг кўшаётган ҳиссалари катта бўлаётди. Ҳам давлат, ҳам нодавлат секторда иш юритаётган кишилар ҳақ-ҳуқуқларини тўла-тўқис муҳофаза этиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлашга эътибор беришга қўшничи бўлиш, янги иш ўринлари яратиш масаласига жиддий ёндашилмоқда.

Туман тармоқ касабаси уюшмалари фаоллари ҳамда туман ҳокимлиги меҳнат бўлимининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари ва ижтимоий

шерикчиликда ўтказган меҳнат ярмаркаси бу ерда ҳозир бўлганлар эътиборини ўзига тортиди. Яқинда ўтказилган мазкур тадбирда 20 дан ортик корхоналар иштирок этдилар.

Меҳнат ярмаркасида бўш жойлар ва ўринлар аниқланибгина қолмасдан, унинг ҳақиқий дарвоғарлари ҳам маълум бўлди. Туман ўрамади истиқомат қилувчи юзлаб кишилар тадбир давомида ўзларига муносиб иш топа олганларидан гоётда мамнун бўлишди. 24 нафар ишсиз жамоат ишларига жалб этилган бўлса, юзлаб нафар ёшлар касбий таълимга жалб этиладиган бўлди.

Усмон НАВРЎЗ, «Ишонч» мухбири.

ПИЛЛАКОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Сирдарё вилояти пиллакорлари давлатга 380 тонна сифатли хомашё топшириб, шартнома мажбуриятларини бажарди.

Умумий хирмонга Меҳнатобод, Шароф Рашидов, Ховос, Оқолтин ва Бобўв тумани пиллакорлари энг кўп улуш қўшди. Улар зиммадаги мажбуриятларни ортиги билан бажаришга эришдилар.

Т.АҲМАДЛИЕВ, ЎзА мухбири.

Соғлом авлод — юрт бойлиги

«ОТАМ, ОНАМ ВА МЕН»

Яқинда давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшма кўмитаси томонидан Навбахор туманида «Соғлом авлод йили» га бағишланган «Отам, онам ва мен» мавзусида оилавий спартакиада бўлиб ўтди. Беллашувда Навоий, Кизилтепа, Қонимех, Навбахор, Кармана туманларидан ҳамда Навоий шаҳридан келган болалар фаол иштирок этдилар. Мусобақа қизгин баҳс-

ларга бой бўлди. Ҳакамлар баҳосига кўра Навоий тумани биринчи, Қонимех тумани иккинчи, Навбахор тумани ўшлари эса учинчи ўринни эгаллашди. Фолибларга ва фаол иштирокчиларга қимматбахо совғалар ва рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

10,5 МИНГ БОЛА ДАМ ОЛАДИ

Болаларнинг ёзги татили мазмунли ва мароқли ўтишини таъминлаш мақсадида Навоий вилоят касабаси уюшмалари кенгаши катта ташкилий, амалий ишларни амалга оширди. Бугунги

кунда вилоятдаги 11 та доимий, 32 та кундузги соғломлаштириш оромгоҳларида 3725 бола ҳордиқ чиқармоқда. Мавсум давомида 10,5 минг ўқувчини кўнгилли дам олдириш режалаштирилган. Бу хайрли тадбирга 49,5 миллион сўм маблағ сарфланди. «Навоийазот» корхонасига қарашли «Офтобжон», Қизилтепа туманидаги «Дўстлик», Навбахор туманидаги «Ўзбекистон» оромгоҳлари вилоятдаги энг яқин дам олиш масканларидан деб топилди.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» мухбири.

«ХОУМ» ЛОЙИҲАСИ» АМАЛДА

Навоий вилоятида феврал ойидан буюн «Хоум» лойиҳаси» халқаро ташкилоти Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қизил хоч ва Қизил ярим ой миллий жамияти ҳамда Жаҳон банки билан ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда. Лойиҳадан кўзланган мақсад вилоятда тиббий хизмат сифатини ошириш, болалар ва аёллар ўртасида ка-

салланиш ҳамда ўлим даражасини пасайтиришга эришишдан иборат. Швейцариянинг «Хьюлетт Пакард» компанияси «Хоум» лойиҳаси» ёрдамида вилоят шифохонасининг туғруқува бўлимига ҳомилалар аёллар аҳолини кузатиш учун мўлжалланган иккита махсус монитор ҳада этди. Совғани компаниянинг бош бизнес менежери Жан Клод Райтер топширди.

Таҳлил

Сўнгги йилларда республика касабаси уюшмалари ҳаётида тўб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бозор иқтисодиёти энг оммавий жамоат ташкилотидоғи ҳам масъулиятли вазифалар, талаблар қўйди. Айниқса, корхоналарда, қурилиш ташкилотларида жараёнлар тақомиллашиб ишчи кучлари бозор талабига монанд равишда қисқарётган, айрим касабаларда муаммолар кўпайган бир шароитда касабаси уюшмалари том маънода меҳнатқашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси сифатида фаолият юритишлари жуда-жуда муҳимдир. Зеро, бу ҳақда Ўзбекистон касабаси уюшмаларининг III қурултойида алоҳида гап борди.

Давр ўртага қўяётган талабларга монанд равишда фаолият юритиб, бошланғич ташкилотлар жанговарлигини ошириш, ўзибўларчилик, муросасозликка барҳам бериш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилинди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш юзасидан Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати хо-

димлари касабаси уюшмалари ҳам тадбирлар ишлаб чиқдилар. Маълумки, қарорлар, тадбирлар белгилаш хайрли ишнинг бошланғичи ҳолос. Уларни қай даражада бажаришга эришиш аввало касабаси уюшма етакчиларининг билими, омилкорлиги, қатъиятчилиги, ўзлари фаолият юритаётган жамоалардаги ишнинг аҳоли, одамлар кайфияти, орзу-интилишларини қанчалик чуқур билишларига боғлиқдир. Ҳўш, мазкур тармоқ касабаси уюшмаларида бунга эришилаётми?

Таъкидлаш жоиз, жойларда жамоа шартномаларини тақомиллаштириш унинг шартларини бажаришга эришиш борасида дастлабки илдам қадамлар қўйилапти. Касабаси уюшма кўмиталари раисларининг

катъий ҳаракати туфайли ушбу ҳужжатга тармоқ битимлари меъёрларидан ташқари турли меҳнат ва ижтимоий иштиёзлар, кафолатлар киритилди. Бу корхоналарда ва умуман тармоқда меҳнатқашлар ижтимоий ҳимоясини янада яхшилаш имкониятини бермоқда. Эътибор қилинг, сўнгги йиллардаги саъй-ҳаракат туфайли ўтган йили бир ходимга ижтимоий-иқтисодий харажат 1998 йилга нисбатан 2,4 марта ба ошди. Шунга қарамай ҳали фаолиятда жиддий камчиликлар, муаммолар бор. Фикри-мизмача энг катта иллат баъзи касабаси уюшмаларининг муросасозлик йўлини

МУРОСАСОЗЛИК — КАСАБАҚҮМ ОЖИЗЛИГИ

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касабаси уюшмалари фаолиятига бир назар

тутганидир. Аввало эски услуб панд бермоқда. Етарли билим, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлмаган, лўнда ифодалаганда «раҳбарга ёмон кўриниб нима қилдим, тинчгина юрсам бўлгани» қабилида иш юритаётган касабаси уюшма етакчилари ишонччи оқлай олмай ўзлари, жоғира, ҳиссадорлик жамияти касабаси уюшма кўмитаси раиси Татьяна Баринаова буларни кўра-била туриб ўзини кўрмаганга олган. Аниқроғи, муросасозлик йўлини тўтган. Бундан кингма фойдаю кингма зиён бўлаётганлигини жамиятдаги танг аҳвол кўрсатиб турибди.

садорлик жамиятида шу йилнинг биринчи апрелига иш ҳақи бўйича қарздорлик 9 миллион сўмдан ошиқни ташкил этди. Шунга қарамай жамият раиси, унинг учта ўринбосари ва бош ҳисобчи ўзларига олдиндан иш ҳақи ёздириб келганлар. Таажубки, ҳиссадорлик жамияти касабаси уюшма кўмитаси раиси Татьяна Баринаова буларни кўра-била туриб ўзини кўрмаганга олган. Аниқроғи, муросасозлик йўлини тўтган. Бундан кингма фойдаю кингма зиён бўлаётганлигини жамиятдаги танг аҳвол кўрсатиб турибди.

(Давоми 2-бетда).

Куйи касаба уюшма ташкилотларида

Тармоқда 2392 нафар касаба уюшма аъзоси бор. Уларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида маъмурият билан биргаликда бир мунча ишларни амалга ошириб келмоқдамиз. Жумладан, янги йил байрами арафасида кам таъминланган, кўп болали оилаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида 49500 сўмлик моддий ёрдам берилди.

Феврал ойида маърифат ва маънавият ишларини янада яхшилаш, тиббиёт ходимларининг билим савияларини ошириш мақсадида ҳамшираларимиз орасида «Она алласи» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди. Ушбу танловда зукко, билимдон ҳамшираларимиз фахрли ўринларни эгаллаб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Хотин-қизлар байрами арафасида Навоий шаҳрида ўтказилган «Ўзбекистон-Ватаним маним» кўрик-танловиди ҳам ҳамшираларимиз қатнашиб, совринли ўринни олди. Шу танловнинг Тошкент шаҳрида ўтказилган Республика босқичида ҳамширамиз

ЭХТИЁЖМАНД ОИЛАЛАРГА МАДАД

Мастура Ашурова қатнашиб, совринли ўринга эга бўлди. 8 март байрам арафасида «Соғлом авлод-ке-лажак пойдевори» мавзусида ўқишлар, Наврўз байрами арафасида спорт ўйинлари ташкил қилинди. Юзлаб ходимларимизнинг болаларига янги йил совғаси учун 44500 сўм пул ажратилди. Кам таъминланган оилаларга 26600 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Наврўз байрами куни касалхонада кўп йиллар ишлаб нафақага чиққан

ишчи-ходимларга 32500 сўмлик совғалар улашилди. М.Торобий номли жамоа хўжалигида жойлашган қишлоқ врачлик амбулаториясида халқи

такиадасига қатнашиш учун йўлланма олдилар. Касб байрами арафасида кам таъминланган оилаларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида уларга «Моддий ёрдам берилди.

Тиббиёт ходимларининг билим савияларини янада ошириш мақсадида шифокорлар орасида «Соғломман, зуккоман» мавзусида кўрик-танлов ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Шу кунгача ишчи-ходимларимиздан 22 нафари турли сиҳатгоҳларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтдилар. Айни чоғда уларнинг 35 нафар фарзандларини ёзги дам олиш оромгоҳларига юбориш давом этмоқда.

Ҳаёт ЯНГИЕВ, Жондор туман тиббиёт ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари.

Тиббиёт ходимларининг билим савияларини янада ошириш мақсадида шифокорлар орасида «Соғломман, зуккоман» мавзусида кўрик-танлов ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Шу кунгача ишчи-ходимларимиздан 22 нафари турли сиҳатгоҳларда ўз соғлиқларини тиклаб қайтдилар. Айни чоғда уларнинг 35 нафар фарзандларини ёзги дам олиш оромгоҳларига юбориш давом этмоқда.

Ҳаёт ЯНГИЕВ, Жондор туман тиббиёт ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари.

Ҳаёт ЯНГИЕВ, Жондор туман тиббиёт ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси ўринбосари.



Булоқбошида қадим қутлуг, нияти улуг бунёдкорлар кўп. 127-хўжалиқлар аро кўчма механизациялашган жамланма қурувчилари ишни тез ва сифатли амалга оширишда барчага намуна бўлиб келмоқдалар. Улар меҳнати билан қад ростилаётган кўркам бинолар Булоқбоши кўрмига кўрк қўшмоқда. Айни кунларда улар ажойиб илм маскани қурилишида жонбозлик кўрсатишяпти. Суратда: Бунёдкорлар ҳаётидан лавҳалар.



«Ишонч»га мактуб ГАЗ — СУВГА КАЧОН ЁЛЧИЙМИЗ?

Мамлакатимиз истиқдолга эришган дастлабки йилларданоқ асосий эътибор аҳоли турмуш шароитини яхшилашга ва фаровон ҳаёт кечиришига қаратилди. Бугунги кунда ҳукуматимизнинг қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги қарори асосида жойларда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда. Бошқача айтганда бир вақтлар ён атрофидан газ қувурлари ўтказилса-да, ўзи газ ёқолмай, ўтин ёки кўмирга қуни қолган аҳолининг аксариятининг орзуси ушалмоқда. Ана шу ютуқлар қаторида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Музробот туманидаги Навбахор деҳқон-фермер хўжалиги ҳудудидаги «Пахтакор» маҳалласи аҳолисининг бугунги яшаш тарзига қараб, сабрингизга балли дейсиз. Нега дейсизми? Энг асосийси ичимлик суви йўқ бўлганлиги учун одамлар ариқ ва қўлмақ сувларидан ичишга мажбур бўлишяпти. Ҳар замонда тракторлар ёрдамида ташиб келтирилаётган сувни ўзлари ясаган маҳсус идишларда сақлашмоқда. Вақт ўтиши билан қолдиқ сувлар эскириб қолиши, табиий. Бундан ташқари бошқа қишлоқларда табиий газдан фойдаланилаётган бир пайтда, мазкур маҳалла аҳли ўчоқда гўзапоя, шохшабба ёқиб, бир амаллаб қозон қайнатишяпти. Қишлоқ аҳолиси мазкур камчилик ва муаммолар юзасидан хўжалик раҳбарига, қарлаверса, бўлим бошлиқлари-ю, маҳалла оқсоқолига ўз арзларини қайта-қайта айта-вериб рост, чарчашди. «Оғирнинг остидан, енгилнинг устидан» қабилида фаолият кўрсатётган мутасаддилар халқ дардига қулоқ тутиб имконият излаш ўрнига бахона қидираётганликларини қандай баҳолаш мумкин? С. ШОБЕРДИЕВ.

Ўзбекистон — жаннатмакон ўлка. Ай-никса, ёз пайтида сархил мева-ю, сабзавотларга тўлиб кетади, бозорларимиз. Бу тўқинлик, бу фойз аввало юртда тинчлик-хотиржамлик барқарор эканлиги, одамларимиз саховатидандир. Қўшни республикалардан турли транспорт воситаларида пойтахтимизга кириб келаётган айрим меҳмонларнинг хатти-ҳаракати ички ишлар бўлими ходимларидан хушёрликни янада кучайтиришларини талаб этапти. Бу борада Юнусобод туманида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Мухбиримиз билан суҳбатда туман ички ишлар бўлими хорижга чиқиш-кириш ва фуқаролик бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Аҳмадjon Ғуломов ана шулар ҳақида гапирди:

— Туманимизда 290 мингдан ортиқ аҳоли истикомат қилади. Ёз мавсумида эса қонуний ва ноқонуний йўллар билан пойтахтимизга кириб келувчи меҳмонлар ҳисоби-га улар сони яна бир неча фоизга ортиб кетади. Шунини инобатга олиб, бўлинмамиз ходимлари кучайтирилган режим асосида иш олиб бормоқдалар. Туманда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), республика «Маҳалла» жамғармаси, Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ўртасида ўзаро ҳамкорликда

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

туркум семинарлар ўтказиш тўғрисида битим имзоланди. Ушбу ҳужжатга кўра, улар «Номарказлаштириш (ягона марказ таъсиридан ажратиш) - маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларининг пойдевори», «Ўзбекистон қишлоқларида ислохотларни чуқурлаштиришда маҳаллий бошқарув органларининг ўрни», «Маҳаллий бошқарув органларининг ҳуқуқий-иқтисодий жиҳатлари ва фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуларида семинарлар уюштилади. Битимни имзолаш маросимида қатнашган мазкур муассасалар вакиллари ҳамкорликда ўтказилган анжуманларни ташкил этиш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш борасида фикр алмашди. Маросимда мазкур ҳужжат шартларини ҳаётга тадбиқ этиш бугунги кунда жуда долзарблиги таъкидланди.

(ЎЗА).

МУРОСАСОЗЛИК — КАСАБАҚЎМ ОЖИЗЛИГИ

(Боши 1-бетда).

Мана бунга нима дейсиз: 1-«Тошкент уй қуриш комбинати» ҳиссадорлик жамияти маъмурияти 142 нафар ишчини иш ҳақи сақланмаган ҳолда мажбурий меҳнат таътилга чиқариб юборган. Боз устига бу ерда ноқулай шароитларда ишлаётган ходимларга иш жойини баҳолаш натижаларидан сўнг 7-12 кун ўрнига 2-4 кун қўшимча таътил берилмоқда. Ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси раиси Исмоил Ориповга рўбаро бўлиб, нега бунчалик суғ, лоқайд фаолият юритаётганлигининг сабаблари хусусида сўрасак елка қисади... Иш ҳақи, таътил, меҳнат жараёнида етказилган зарарни қоплаш, пенсия ва шунга ўхшаш тўловлар ходимлар ижтимоий ҳимоясининг асоси ҳисобланади. Булар жамоа шартномаларида ўз ифодасини топган. Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси масаланинг муҳимлигига эътиборни қаратиб, республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тавсия этган ўзига хос ҳисобот шаклидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бу жойлардаги мавжуд ахволдан тўла хабардор бўлиш, тезкор тадбирларни белгилашда қўл келаяпти. Маълум бўлишича, ҳамма жойда ҳам жамоа шартномаларига эътибор қўйилган даражада эмас экан. Жумладан, Тошкент шаҳар корхоналарининг 42 тасида ана шу муҳим меъърий ҳужжат қабул қилинмаганлиги оқибатида 2463 ишчи-ходим ижтимоий ҳимоясиз қолди. Шунингдек, тармоқ бўйича қабул қилинган 478 та жамоа шартномасининг 101 таси рўйхатга олинмаган. Бу бепарволик, масъулиятсизликнинг айна ўзгаси эмасми? Текширишлар шунини кўрсатдики, кўпгина касаба уюшма кўмиталари иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилигига риоя этишлари ва ходимларга хавфсиз, зарарсиз меҳнат шароити яратиш беришлари устидан назорат қилишда муайян ютуқларга эришишяпти. Касаба кўмиталари қўшида тузилган гуруҳлар иш берувчиларнинг республика меҳнат қонунчилигига риоя қилишлари, меҳнатқашлар ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларига дахлдор қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар Мақамаси, КУФК қарорларини бажариш устидан назоратни кучайтиришмоқда. Бу борада «Тоштрансмашхусусуриш», «Қувасойцемент», «Чирчиққурилишматериаллари ва ускуналари» корхоналарида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Аммо «Қаршиўқурилиш», «Охангаронлипласт», «159-трест» ҳиссадорлик жамиятларида эса ишчи гуруҳлари тузилмаган. Жамоалар ҳаётга оид долзарб масалалар ҳал этилаётган, муҳим

ҳужжатлар қабул қилинаётганда касаба уюшмалари четлаб ўтилса бундан ёмони йўқ. Бахтга қарши жанговарлик таъминланмаган, меҳнатқашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси сифатида ўзини намоён эта олмаган ташкилотлар шу куйга тушишмоқда. Масалан, Тошкент, Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятларининг айрим корхоналари касаба кўмиталари раислари мавжуд қонунларни бузиб, кўмита аъзоларининг фикри билан ҳисоблашмай маъмурият майлига бўйсунган ҳолда иш юритмоқдалар. «Чирчиққурилиш» ҳиссадорлик жамиятида иш берувчини касаба кўмитаси билан келишиб тасдиқлаш ўрнига меҳнат жамоалари конференциясида тасдиқлашган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Қарор ижроси билан қучли. Тармоқда бу борада ишларни янада жонлантириш лозим. Таҳлил шунини кўрсатмоқдаки, иш жойини баҳолаш масаласида ҳам ўзбўларчилик, бирёқламлик қучли. Масалан, тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кўмитасига топширилган ахборотлардан кўриниб турибдики, Жиззах вилоятида иш жойини баҳолаш фақатгина «Ўзпўлатконструкция» трестининг Монтаж бошқармасида ўтказилган. Тошкент вилояти бўйича муҳим иш 16 та корхонада амалга оширилмаган, 32 тасида номигагина ўтказилган. Ахир, бундан қандай тушунса бўлади?! Иш жойини баҳолаш ўтказилмас нонулай шароитли иш жойи аниқланмади, зарарли ишлаб чиқариш олимини йўқотиш чоралари кўрилмайди, қўшимча таътиллари берилмайди ва энг кераклиси — ходимлар муддатдан аввал пенсияга чиқишга ҳуқуқ берадиган имтиёзли иш мuddатидан ажраладилар. Бундай фаолият эса меҳнатқашларнинг энг оммавий жамоат ташкилотига бўлган ишончини сувайтиради, ёрқин режаларни пучга чиқаради. Жамиятимиздаги жўшқин ўзгаришлар касаба уюшмалари иш усули ва услубларини изчил такомиллаштириб бориш, кадрлар билим даражасини ошириш, етакчиларнинг ишчанлик фазилатларини амалий фаолиятга йўналтириши тақозо этмоқда. КУФК касаба уюшмаларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида кўмита раислигига ёш, иқтидорли, изланувчан, энг муҳими меҳнатқаш манфаатини қатъий туриб ёқлай оладиган ёшларни сайлашга қатта эътибор берди ва бунга муайян даражада эришилди. Энди ҳамма гап ана шу куч, имкониятдан унумли фойдаланишда қолган. Касаба уюшма етакчиларида қайд этилган ишчанлик фазилатлари етишмас экан, улар муросасозлик йўлидан боришаркан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Зеро, юқорида қайд этилган камчиликлар яхши сабоқдир.

М. КАЮМОВ.

ДАЙДИЛАР уларга бепарқ бўлманг

қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Натижада кўчаларда, жамоат жойларида юрган шубҳали кишилар ушланиб, бўлимга келтирилмоқда ва биз уларни ўз юртимизга қайтариб юбораяпмиз. Шу йилнинг 10 июнигача туманда хусусий ва давлат секторларида

ана шундай текширишлар ўтказилди ва 2241 нафар шахс паспорт режимида риоя қилмаганлиги, 1715 шахс рўйхатдан ўтмасдан яшаётганлиги аниқланди. 220 нафар фуқаро пойтахтдан чиқариб юборилди. Тажибалардан шу нарса маълумки, баъзи фуқаролар пул топшиш учун ҳар қандай ишни бажаришга ҳаракат қиладилар, шунингдек,

римиздан хушёр бўлишликни талаб этади. Яқинда ўтказилган текшириш пайтида шахсий хонадонларда бутунлай бегона шахслар республика миқёсдаги тартиб-қоидаларга амал қилмасдан ноқонуний равишда бемалол истико-мат қилганликлари аниқланди. Масалан, Юнусобод тумани, 1-В мавзе, 2-хонадонда Россия фуқароси 1964

тиб-қоидаларига риоя этмаган шахслар сифатида Ўзбекистондан чиқариб юбордилар. Шунингдек, мен фуқароларимизга яна бир нарсани эслатиб қўйишни истар эдим. Фуқаролик паспорти — миллий гурурими — фахримиздир. Ўзбекистонда йўқотиш, гуллаб-яшнаётган, порлоқ келажакли юрт фуқароси бўлиш улкан бахтдир. Афсуски, айрим фуқаролар ўз шахсини белгиловчи паспортларига беъэтибор бўлмоқдалар. Оқибатда паспортларни йўқотиш, ҳатто гаровга бериш каби воқеалар содир этиляпти. Мен уларга қарата хушёр бўлинг, азизлар, Ўзбекистон фуқароси бўлишдек буюк саодат, юртимиздаги осойишта ҳаётнинг қадрига етинг, дегим келади. Муборак МИРКАМолова Ёзиб олди.

МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

Охангарондаги «Эйвалекмахсустемирбетон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти уч сменада ишлаб бошлади. Натижада асосий бюртмачи - «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси эҳтиёжи учун бир кечакундузда етказиб берилаётган темир-бетон шпаллари сони 2 - 2,5 минг донага етди. Корхона маҳсулотлари асосан узунлиги 440 километрдан ошадиган «Навоий - Учқудуқ - Султонувайстог - Нукус» ҳамда «Учқудуқ - Мискен» йўналишларидаги янги темир йўл қурилишларида ишлатилмоқда. Бу ерда тайёрланаётган темир-бетон қувурлар ва кенг истеъмол моллари эса хорижга ҳам чиқарилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида корхонада янги ишлаб чиқариш ҳажми икки баробарга кўпайиб, 400 миллион сўмга етди. Ион ойдан ишчи-хизматчиларнинг маоши 30 фоизга оширилди.

БАДАЛЛАР УНДИРИЛДИ

Мамлакатимизда мулкдорлар синфининг ўрни алоҳида. Шу боис уларни қўллаб-қувватлаш, фаолиятларини кенгайтириш борасида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ ҳаёт шунини кўрсатмоқдаки барча ерда ҳам тadbirkorлар ўзларига кўрсатилаётган эътибор, имтиёزلардан унумли фойдаланиб, ишончини тўла оқлашга эришгани йўқ. Хусусан, Маргилон шаҳар товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbirkorлар палатаси фаолиятда прокуратура томонидан ўтказилган текширувлар натижасида жиддий камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Бу ерда палата ва тadbirkor ўртасида яхши алоқа йўлга қўйилмаган. Текширув натижаларига оид танқидий мақолалар матбуотда ҳам эълоб қилинди.

Танқиддан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилаётган мутасаддилар ишда ўзгариш қилишга астойдил кирилишган. Аввало текширув ҳужжатларида бадалларнинг тўламай келаётган тadbirkorлардан маблағ ундирилди. Таклиф-мулоҳазалар асосида маҳсулотлар кўрғазмаси ташкил этилди. Кўпчилик «Савдо уйи»га катта умид боғламоқда. Эътироз этиш керак, баъзи тadbirkorлар амалдаги қонунларимизни яхши билишмайди. Дебитор, кредитор қарзлар, банк билан малакали муомала қилиш, хориж

сармоясини жалб этиш хусусида етарли тушунчага эга эмаслар. Шу боис фаолиятда камчиликларга йўл қўйиб келинмоқда. Белгилабган тadbirkorларга кўра тadbirkorлар палатаси вилоят бизнес мактаби билан мулкдорлар иқтисодий билимларини мустахкамлаш, мақсадга мувофиқ шартномалар тузиш мақсадида аниқ тadbirkorларни амалга оширяпти. Чет эл инвесторларини жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Германияда ишлаб чиқилган ташхис қўйиб касалликни аниқлаб бериладиган ускуна, Италия ва Буюк Британиянинг

ганлиги кўпчиликни қувонтирди. Яқинда банкдан уч йил муддатга 2 миллион сўм кредит олдик, — дейди «Мозир» деҳқон-фермер хўжалиги вакили. Энди ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш

баобўр фирмаси технологиясини олиб келиш саъй-ҳаракати амалга ошириляпти. Вази́рлар Маҳкамаси-

КАФОЛАТЛИ ТЎЛОВЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИ

Қадрли тахририят! Ўзаро мулоқотлар чоғида ҳатто баъзи раҳбар мутахассисларнинг ўзлари ҳам мавжуд қонунларимизни пухта билмасликлари аён

моддада таъкидланганидек, ходим давлат ёки жамият манфаатларига доир вазифаларни бажариш (малака ошириш, рационализаторлик тақлифларини жорий этиш ишида қатна-

бий муассасаларда текширувдан ўтадиган даври учун, ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатлар берилмади.

167-модда. Ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда бериладиган кафолатлар



Ходим жамият манфаатларига доир ҳаракатлар қилганда (авариалар, табиий офатларнинг оқибатларини тугатиш, инсон ҳаётини сақлаб қолиш ва бошқа ҳолларда) ана шу даврда унинг иш жойи (лавозими) ва ўртача иш ҳақи сақланади.

Тиббий текширувдан ўтадиган кун ва куйиш учун қон топширадиган кунни ходимларга соғлиқни сақлаш муассасаларига боришлари иш бевуричи монеликсиз рухсат бериши шарт.

Донорлик қилувчи ходимларга ҳар сафар қуйиш учун қон топширган куннинг эртасига дам олиш учун албатта бир кун берилди. Ходимнинг хоҳишига кўра бу кун таътилга қўшиб берилди. Текширувдан ўтадиган ва куйиш учун қон топширадиган кунни ишдан озод этилган давр учун, шунингдек, дам олиш кунлари ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланади.

(Давоми бор).

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



нинг қарорини бажара бориб, вилоят адлия бошқармасидан палатага вақил бириктирилди, ишонч телефони ўрнатилди. Энди мулкдорлар ҳақ-ҳуқуқларининг чекланаётгани, сунъий тўсиқлар ҳақида бемалол аҳборот бериш имконига эга бўлдилар. Ҳаммадан ҳам тadbirkorларга кредит бериш йўлга қўйил-

имконига эгаимиз. Маргилон қадим-қадимдан тadbirkor ва хунармандлар шаҳри. Юқорида қайд этилган камчиликлар бартараф этилиб, улар астойдил қўллаб-қувватланса ўзларига ҳам, давлатга ҳам катта наф келтирадилар.

Ориф ЎЛМАСОВ, «Ишонч» мухбири.

бўлмоқда. Бунга яқинда кафолатли тўловлар хусусида баҳс кетганида қатъий ишонч ҳосил қилдик. Илтимос, «Ҳуқуқий маслаҳатхона»да кафолатли тўловлар ва компенсация тўловлари хусусида тўлароқ тушунча берсангиз.

Исоқул ИБОДОВ, Алишер БАДАЛОВ, Шофиркон тумани.

Бу масала чинданам долзарб бўлиб, Меҳнат Кодексининг Х-бобида апрофича тушуна берилган. Хусусан, 165-

шиш, хизмат сафаридан бўлиш, тиббий кўриқдан ўтиш ва бошқа ҳолларда) мақсадида ходимни ишдан озод этиш шартлари, шунингдек, ана шу давр учун тўланадиган кафолатли тўловлар миқдори жамоа шартномаларида белгилаб қўйилади, лекин бу тўлов миқдори ўртача иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак.

Мажбурий тиббий кўриқдан ўтиши шарт бўлган ходимларга, уларнинг ишга яроқчилигини аниқлаш мақсадида стационар тиб-

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ПРЕТОРИЯ. Дурбанда Жанубий Африка давлатларининг иқтисодий анжумани очилди. Унда иштирок этиш учун Европа, АҚШ, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатларидан ҳам вакиллар келган. Қатнашчилар учун мобайнида Африка давлатлари иқтисодий ривожлантириш, хусусан, чет эл сармоясини кўпроқ жалб этиш, минтақа давлатларининг иқтисодий интеграциясини фаоллаштириш, ОИТС ва қашшоқликка қарши кураш каби масалаларни муҳокама қилди.

РИГА. Латвияда тил тўғрисидаги қонун русий-забон одамларни анча қийнаб қўймоқда. Ригада нашр этиладиган «Час» газетаси шу маззуда мақола чоп этди. Унда ёзилишича, ўзга миллатга мансуб киши яхши жойда, масалан, давлат муассасалари, сиёсий ва жамоат ташкилотлари, ўқув даргоҳларида раҳбарлик лавозимида ишлаши ёки депутат, адвокат, прокурор ва ҳатто газетда муҳаррир ёки мусаҳҳах бўлиши учун латвиячи ўз она тилидайд билиши шарт.

КИШИНЕВ. Молдова полицияси пойтахтда яшовчи Владимир Сирбу деган кишини қуддиришга тушди. Ҳабарларга қараганда, у Интернет орқали полшалик фармацевтлар билан йирик миқдорда дори-дармон сотиб олиш тўғрисида шартнома тузган. Ҳозирда АҚШ-Молдова ҳамкорлигида тузилган нуфузли фирмалардан бирининг директори деб таништирган В.Сирбунинг тўлов қозғолари қалбаки экан. Фирибгарлик фош этилган пайтда Молдовага қиймати бир неча ўн минг АҚШ долларига тенг дори-дармон ортган вагонлар келиб улгурган эди.

ВАРШАВА. Пошлада меҳмон бўлиб турган ҳиндистонлик архиепископ Алан де Ластиз автомобил ҳалокатида учради. Унинг ўлими тўғрисида Пошда католик черкови матбуот хизмати хабар берди. Уларнинг айтишича, фожиа Краков-Варшава йўналишидаги катта йўлда содир бўлган.

Алан де Ластиз Ҳиндистон католик епископлари уюшмасининг раиси эди.

МОСКВА. Бразилия вице-президенти Марку Масизл Россияга таширф бурди. У ўзаро ҳамкорлик бўйича Бразилия-Россия қўшма комиссиясининг 25 июнга қадар давом этадиган мажлисида иштирок этади. Шунингдек, таширф давомида у Россия Бош вазири Михаил Касьянов билан учрашади. Учрашууда фазовий тадқиқотлар, ҳарбий техника, энергетика ва транспорт соҳалари бўйича ҳамкорлик масалалари муҳокама этилиши кутилмоқда.

ВАШИНГТОН. Хабарларга қараганда, АҚШ ҳарбий-ҳаво қучлари янги қирувчи самолёт устида иш олиб бораётир. Бу самолётнинг афзаллиги шундаки, уни учувчи бошқариши шарт эмас. У ердан туриб компьютер ёрдамида бошқарилади. Мутахассисларнинг айтишича, янги самолёт душмanning ҳаво мудофааси тизимини йўқ қилишга мўлжалланган.

(ЎЗА)

ЎЗ — ўТМОҚДА СОЗ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Яккабоғдаги «Қизилдарё»дан ўтиб баландликка кўтарилганимизда кўм-кўк дарахтлар билан қопланган боғлардан болажонларнинг қаҳқаҳаси ва ёқимли тароналар янгради. Оромгоҳга киришимиз билан юзимизга салқинлик уфурди.

Мазкур дам олиш масканидаги саккизта ётоқхонанинг атрофи анвойи гулларга бурканган, ариқлардан шарқираб сувлар оқиб турибди, дарахтларда гилос, олма ва бошқа мевалар пишиб қуёш нурига ял-ял товланмоқда. Булбулларнинг ёқимли овози тинмайди.

— Оромгоҳимиз худуди 27 гектардан иборат, — дейди, директор Нишон Рўзиев. — Мавсум ҳар йилгидан ҳам пухта ҳозирлик билан бошланди. Соғлом авлод йилида болаларнинг дам олиши, овқатланиши, уларнинг соғлиқларини тиклаши учун қўшимча тadbirkorлар белгилабган. Барча ётоқхоналар, 520 ўринли ошхона, тиббий даволаш жойлари, кутубхона, спорт майдони пухта таъмирланди. Ётоқхоналар замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига қарашли Улуғбек номли оромгоҳда мавсумда 2600 нафардан ортиқ ўқувчилар мириқиб дам олишади. Оромгоҳ биринчи босқичда 750 нафар ёшларни қабул қилиб олди. Уларга 5 нафар олий ва 3 нафар ўрта малакали тиббий, ходимлар хизмат кўрсатишмоқда. Болаларни даволайдиган физеотерапия кабинетидан барча даволаш асбоб-ускуналар мавжуд.

Бу ерда ҳордиқ чиқараётган болалар қўшни оромгоҳ ёшлари билан ўтказиладиган спорт мусобақалари, танловларда фаол иштирок этишмоқда. Ёшларни Китоб, Яккабоғ, Шаҳрисабз туманларидаги тарихий обидаларга саёҳатга олиб бориш ташкил этилган. Бир сўз билан айтганда, бу жаннатмакон оромгоҳда болаларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари ва даволанишлари учун барча имкониятлар муҳайё.

Хайрулла ТўРАЕВ.

БўКА ТУМАНИДАГИ «АНХОР» ХУСУСИЙ ФИРМАСИ АХОЛИГА ВА ТУРЛИ ХИЛ ТАШКИЛОТЛАРГА ОЛТИ МИЛЛИОН СЎМЛИК УЙ ЖИҲОЗЛАРИ, ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРДИ.

ФИРМА ФАОЛИЯТИ КЕНГАЙМОҚДА

«Лок Колор Синтез» корхоналари билан шартнома туздик, — деди фирма иш юритувчиси Темура Раҳмонқулов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Бу билан тумандаги жамоа хўжаликлари, корхона, ташкилотларга мунтазам равишда маҳсулот етказиб бериш имкони пайдо бўлди. Фаолиятни кенгайтириш мақсадида фирма қошида савдо уйи ва чойхона очдик. Савдо уйида уй-рўзгор буюмларини сотиш йўлга қўйилган бўлса, чойхонада турли хил таомларни тайёрлаш билан биргаликда тўй-ҳашамларга иссиқ-нон етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилмоқдамиз.

Темура Раҳмонқуловнинг маълумот беришича, фирманинг бугунги кундаги айланма пул маблағи 2 миллион 981 минг сўмга етди.



Меҳнат инсонни улуғлайди, деб бежиз айтишмайди. Бунини Норин туманидаги А.Шамсуддинов номли ширкат хўжалиги механизатори Таваккал Рўзиматов (суратда) мисолида ҳам кўриш мумкин. У техника қудратини амалда намойиш этиб, ҳар йили мўл пахта ҳосили етиштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Моҳир механизаторнинг кўп йиллик ҳалол хизматлари муносиб тақдирланган. Ўзбекинаво гастрол концерт бирлашмаси қошида ашула ва рақс ансамбли раққосаси Шоиста Орипова ҳам изланиш туйғайли ўз орузисига эришмоқда.



Касаба уюшмалари шифо масканларида «МИРОҚИ» СОЧИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Нафас олиш аъзолари касалликлари ҳозирги кунда тиббиётнинг долзарб масалаларидан бирига айланиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра ишлаб чиқариши ривожланган мамлакатларда бу касаллик кўпайиши кузатилмоқда. Бу асосан табиатда заҳарли моддалар кўпайиб ҳавонинг бузилишига, бунинг асоратида инсон нафас олиши натижасида ҳар ҳил касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда шу тоифа касалликларга мансуб бўлган беморлар қайси санаторийларда дам олиши мумкинлиги ҳақида маълумотга эга эмаслар. Шунинг учун биз сизларга Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз шаҳридан 20 км, масофада Зарафшон тизма тоғи этакларидан оқ сув дарёси воҳаси, Ҳиссарак сув омбори ёнида жойлашган «Мироқи» санаторийсини тавсия қилмоқчимиз.

Иқлими, ёзининг иссиқлиги, қишининг юмшоқлиги билан Кисловодск, Сочи дам олиш масканларидан қолишмайдиган чиройли тоғ манзараси, мусаффо ҳаво, қуёш нурларининг мўллиги, ультрабинафша нурларининг

юқорилиги билан ажралиб турлади. «Мироқи» санаторийси нафас олиш аъзолари касалликларига бўлган болалар ва катта ёшдаги кишиларда иқлимий профи-



лактик ва терапевтик муолажалар ўтказишга қулай шароитлар яратиб беради. Сихатгоҳ 100 ўринга мўлжалланган бўлиб, энг янги даволаш-ташхис асбоблари билан жиҳозланган. Асосий даволаш омилли иқлимдир. Бундан ташқари, сув билан даволаш, гиёҳли ўтлар суви, денгиз тузларидан тайёр-

ланган сув, душлар, физиотерапия, даволаш физкультураси ва массаж, теренкур, иссиқлик, парафин ва азокерит каби омиллардан фойдаланилади. Ётоқ би-

носи шинам, бир ва икки ўринли ётоқхоналардан ташкил топган. Санаторийда қулай, шинамгина ошхона, клуб, кутубхона, фитобар мавжуд бўлиб, Шаҳрисабз, Оқсаройга экскурсиялар уюштириб турилади. Санаторийнинг катта мевали боғи бор.

ДАРДИНГИЗНИ ҚУМ ОЛАДИ

Мамлакатимиз жанубида жойлашган Термиз нафакат саратонининг жазирама иссиқлиги билан, балки иссигининг шифоси билан ҳам довуруқлидир. У ерда беморлар сил, бўғин, буйрак, дамсиқма ва бошқа хасталиклардан фориг бўлгани амалда исботланган. — Ҳозир беморлар энг кўп таширф буюрадиган фасл, — деди Термиз тумани худудидаги «Жайронхона» шифохонаси бош врачси Малика Ҳайдарова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шифохонамизда қум муолажаси самарали натижа берапти.

Табиий даволаш усули — қум ванналари бел оғриғи, қон босими, бод, оёқ оғриғи, меозит, турли хил гинекологик касалликларга учраган беморларни даволашда кўл келмоқда. Қум билан даволаш 1 июндан бошланиб, 15 августда тугайди. Қумга тушиш жараёнида даволанувчилар шифокор ва ҳамширалар назоратида бўлишади. Хуллас, жануб қўши тафтида тандирдек қизиб ётган қумликлар йиллар мобайнида безовта қилаётган дардларингизни вужудингиздан суғуриб олади.

ЭЛ НЕТИБ ТОПГАЙ МЕНИКИМ...

Олий Мажлис сессияларидан бирида Президентимиз Ислам Каримов «Халқимиз Навойини англаш, унинг тилини тушуниш даражасига қачон кўтарилади?» — деган саволни ўртага ташлади. Чинданам Алишер Навойини англаш ва хис қилиш ўзбек халқининг тарихини, маданиятини, калби эҳтиросларини англаш ва хис қилишдир. Шундай экан Навойини, умуман мумтоз адабиётни билиш ҳар бир ўзбек фарзанди учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Хв. Навойий шеърини улкан бир уммон. Унда халқ калби, миллат шукҳи ақс этади. У инсонни руҳан поклайди, юксакларга чорлайди. Шоир дунёсига ошно бўлгани сари инсон ўзини, ўзлигини англайди.

Мир Алишер Навойий ижодиётини халққа имкон қадар етказиш, тарғиб ва таъдиқ этиш ниятида газетамизда «Навоийхонлиқ» рўқинини очдик. Унда юртимизда фаолият кўрсатаётган атоқли навоийшунос олимларимиз ҳазрат Навой газалларини, китъаларини шарҳлаб борадилар.

Дастлабки сабоқларни филология фанлари доктори Иброҳим ХАҚҚУЛОВ олиб боради.

Зеро, захматқаш олимимиз айтганидек, Навойий ҳар биримизнинг севган шoirимизгина эмас, бизнинг умумий Ватанимиз ҳамдир. Биз ана шу Ватан бағрига кирганимиздагина унинг сизлик, таҳликали хайллар ва ношуудликлардан қўтилишимиз мумкин.

Азиз муштарий, «Навоийхонлиқ»дан қалбингиз нурга, зийга тўлсин, ҳазрат бобимиз руҳидан қувват олиб руҳингиз покланиб, юксалиб бораверсин!

Лаззати нафс тарки самари офият берур,
Лек ул шажарни эккали фарзоналиг керак.

Демак, нафсоний лаззатларни тарк қилмоқ самараси — ҳаёлий осудалик, ички равшанлик. Бирок бу осудалик дархатини (шажарни) қўқартириб, вояга етказмоқ учун оқиллик ва заковат лозим.

Оқиллик билан фидойилик орасидаги масофани у қадар йироқ деб бўлмайди. «Дунёда жамики нарса инсонга қурбон, фақат инсон ўз-ўзига қурбон», — деган экан Шамсиддин Табризий. Ўз-ўзини билган инсон мана шу қурбонликдан қутулиб, дунёга нечун қалганлигини тўғри ҳал қилади. Танҳоликни севган одам охир-оқибатда уни юракка яширмоқни истаб қолади. Лекин ёлғизлик ҳиссиётлари қалб қаърига ҳар қанча чуқур чуқмасин, бундан дил нигоҳи зарур даражадаги равшанлигини топмайди. Ҳазрат Навойий тоқлик нурининг манбаини қуйидаги тарзда асослаган эдилар:

Таърид нуридин киши кўз ёрутай деса,
Аҳбоб ҳажри шаъмига парвозалиг керак.

Бу нурга интилишгина эмас, фидойилик ҳамдир. Шоир бу ўринда висол шаъмигамас, дўстлар ҳижрони ёлқинига талпинишни назарда тутган. Нега? Чунки ёлғизлик нуридан қўзларини мунаваар этмоқ ораусидаги киши учун айрилиқ ўйлари ҳақиқатда ҳароратли ва изтироб уйғотувчидир. Бунинг иккинчи жиҳати ҳам бор:

Гар анжумани деса муриду мутъ этай,
Кўп нуктау фасонада афсоналиг керак.

Мазмуни: халқни ўзига ром этишни истаган киши кўп маъно, ҳақиқатларни билиши, саргузаштларда дoston бўлмоғи керак. Шу «афсоналиг»лардан бири «ботин ҳарими» — дил қошонасини маънавий бойликлари билан тўлдириб, «зоҳир уйи» — ташқи истақларини асосларини вайрон этишдир.


Ботин ҳаримида тиласа маҳзани хузур,
Зоҳир уйи асосига вайроналиг керак.

«Зоҳир уйи асоси» дейилганда инсондаги моддий ва жисмоний эҳтиёжларга тегишли нарсаларни тушуноқ керак. Бойлик, мансаб, молу дунёдан мағрурланиш — булар ўша «зоҳир уйи»нинг пойдевори ёки безакларидир. Агар «зоҳир юзидан» кимки тож, иззат ва мартаба тиласа, унга:

Дарду бало муҳитига дурдоналиг керак.

Бирок шуни ҳам эсдан чиқармаслик лозимки, ишқ туйғули «дарду балога ҳамхоналиг» билан тожу давлат, иззату шухрат ҳирсида «дарду бало муҳити»даги «дурдоналиг» ўртасида еру осмон қадар фарқ бор.

Охири сатрдаги «бехудлу», «майҳўрлик» ва «девоналиг» тушуначлари қай мақсадда ишлатилганлигини тўғри тушуниш зарур, албатта. «Бехудлу» — ақл имтиёзларидан бандан руҳий қувватдир. Май-чи? У маърифат нури, ҳиссиёт «шароби». Бу «май»дан ичиб ақли ҳушини йўқотган одам дунёга энг хушёр ва теран нигоҳ билан қаровчи донишманд зотдир. Мир Алишер Навойий шеърини мана шунга чорлайдилар.



Суратларда: 1. Дизайнерлар гуруҳи устахонасида. 2. Коллежнинг умумий кўриниши. 3. Муаллима Зулфияхон Нўмонова ўқув ишлаб чиқариш лабораториясида машғулот ўтказаятган пайт ақс эттирилган.

Мустақил Ўзбекистонимизда касб-хунар коллежларига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Барчанинг ҳавасини келтирадиган ажойибларидан бири Андижонда бўлиб, бу ерда тўрт йўналиш бўйича 12 мутахассисликда кадрлар тайёрланади.



БУТУРФАОЛАМ

Олимларнинг ҳисоблашича, дунё бўйича 1999 йилда фазовий тадқиқотлар соҳасидан олинган даромад 96 миллиард АҚШ долларига етган. Аввалги йили бу кўрсаткич 87 миллиард АҚШ долларини ташкил этган эди.

Уч нафар қизиққан чеҳиялик кир ювиладиган тоғорда Ослану дарёсидан сузиб ўтди. Улар ушбу муваффақияти билан «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан жой олмоқчи.

Хитой ҳукумати кейинги ўн йил давомида Пекин атрофидаги 4,3 миллион гектар майдонга қўчат ўтказишни режалаштирмоқда. Дараклар Гоби чўлидан Пекин шаҳрига ёпирилиб келаётган қум бўронларига тўсиқ бўлади.

Мамлакатимиз касб-хунар коллежларининг бир гуруҳи ўқитувчилари Республика «Устоз» жамағатси томонидан Канадининг Нови-Скотье шаҳрига бир ой муддатга ўқишга кетаядиган бўлишди. — Шу йилнинг апрел ойида мамлакатимиз касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатаётган 90 нафар ўқитувчи канадалик экспертлар томонидан ўқитилганди. Маскур экспертлар синовидан ўтган

КАНАДАГА БОРИШАДИ

35 нафар педагоглар бугунги кунда Канадага йўл олишмоқда, - деди «Туркистон-пресс» муҳбирига «Устоз» жамағатси ижрочи директори Абдужаббор Абдувоҳидов. — У ёққа боришдан мурда шуки, улар бозор иқтисодиёти ва янги технология билан боғлиқ фанларни янада чуқурроқ ўрганиб, олган билимларини амалиётга татбиқ этидилар. Сафар олдидан ўтказилган йилгида сўзга чиққан Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахорр Фуломов ўқитувчилар ривожланган мамлакатнинг таълим тарбия соҳасида эришган ютуқларини ўрганибгина қолмай, ўз навбатида канадаликларга Ўзбекистонни яқинроқ таништириш лозимлигини уқтирди. — Канада ўқитиш услубининг ўзига хос томонларига жиддий эътибор қаратиш лозим, - деди С.Фуломов. — Хориж таълим тизимида талаба энг аввало мустақил ишлашни ўрганади. Шунингдек, С.Фуломов оила, соғлиқни сақлаш, ижтимоий-психология соҳаларида Канада мамлакатини эришган ютуқларини ўрганиш фойдасидан холи эмаслигини таъкидлади.

Футбол

керак? Шу кеча-кундузда Голландия ва Бельгия ўйингоҳларида бўлиб ўтаётган Европа Кубоги учун бахсларнинг мазмун моҳиятини тафаккур элагидан ўтказишнинг ўзидек маълум хулосалар чиқариш имконини беради. Ҳайвонлар тақдирини ҳал қилишда футболчилар маҳоратига эмас, уларнинг жисмоний тайёргарлиги ҳам катта аҳамиятга молик эканлиги яна бир қарра амин бўлмоқдасиз. Дарвоқе,

рашувни муносиб қаршилоқлари ва шунга лойиқ даражада ҳаракат қилмоқлари зарур. Ана шунда ҳеч қандай қўшимча кўнгличлар томошалар ва лоторея ўйинларисиз ҳам муҳлислар стадионга оқиб келаверадилар. Ахир «Пахтакор» ўйингоҳининг 60 минг ўриндиғи ҳам торлик қилиб қолган кунларни ҳали фаромуш этганимизча йўқ-қў. Яна бир гап. Тезроқ Осиё футболли қрибидан ёриб чиқмоқ даркор. Тан берайлик,

МИЛЛИОНЛАР ҲАМ ШУНГА ЯРАША БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

муносабат ҳам шунга яраша бўлмоғи лозим

катларда футбол ўзига хос индустрияга айланганлиги ҳам аслида шундан. Бинобарин, муаммо фақат «Пахтакор» муҳлислари қулфи дилига калит топишдагина эмас, яна тақдор айтганимиз, юрт футболли, хусусан, «Насаф», «Сурхон», «Турон» ва ҳақозо - барча жамоалар нафақат ички чемпионатда, балки халқаро мусобақаларда ҳам обрў-эътибор қозониши учун мумкин бўлган жамики чора-тадбирларни иш-лаб чиқиш, ҳаётга татбиқ этиш ва умуммақсадга эришиш устида кетаётди.

«Ишонч» газетасига берган интервьюсида буни маълум муддат Германияда тажриба ортириб келган «Трактор» командаси бош тренери Равшан Ҳайдаров ҳам таъкидлаган эди. Иккинчи муҳим ҷарт шуки, майдонга тушган футболчи ўзига юклатилган вазифага масъулият билан ёндошмоғи лозим. Афсуски, бизнинг ўйинчиларимизда аксарий ҳолларда профессионализм этишмайди. Ишчи ёки муҳандис ёхуд офтоб тифда ноз-неъмат этиштиряётган деҳқон ўз юмушига қандай муносабатда бўлса, «чарм тўп» ус-таларимиз ҳам ҳар бир уч-

қитъа футболчи ҳозирча жаҳоннинг қули жамоалари билан рақобатлашадиган даражада эмас. Маҳорат эса одатда кўнсуз ва ўртамеъна командалар устидан қозонилган галабалар наҳидасидан эмас, гарчанд мағлубият ҳар қанча аламли бўлса-да, кучли жамоалар билан ўтказилган учрашуларда олинган сабоқдан сув ичеди. Ўйлашимизча, мамлакатимизда футбол учрашуларда олинган сабоқдан сув ичеди. Ўйлашимизча, мамлакатимизда футбол учрашуларда олинган сабоқдан сув ичеди. Ўйлашимизча, мамлакатимизда футбол учрашуларда олинган сабоқдан сув ичеди.

Баскетбол МҲСК - ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНИ

Тошкентда баскетбол бўйича олий лига эркалар жамоалари ўртасида Ўзбекистон чемпионати якунига өтди. Финал босқичида бўлиб ўтган қизгин беллашуларда олти жамоа ўз маҳоратини намойиш өтди. Сирдарё шаҳри ва Ўзбекистон Миллий Университети Баскетболчилари ўртасидаги учрашу айниқса қизгин кечди. Ҳисоби билан тошкентлик талабалар фойдасига ҳал бўлди. Тошкент лойихалаш институтининг «Шаҳар қурилиши» жамоаси ва Бухоро Университети жамоаси ўртасида бўлиб ўтган учрашувада 66:97 ҳисоби билан бухороликлар голиб чиқди. МҲСК ва Чирчиқнинг «Кимёгар» жамоалари учрашувида эса пойтахт баскетболчилари 74:39 ҳисоби билан галаба қозонди. 30 очко тўплаган МҲСК жамоаси Ўзбекистон чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни 27 очко билан Бухоро Университети, учинчи ўринни эса Ўзбекистон Миллий Университети жамоаси эгаллади.

Бутун мавсумга режалаштирилган йўлнинг қок ярми ортда қолди. Старт чизигига тизилган паллада буй-баста-ю вазнида айтарли тафовут йўқдек туюлган жамоалар (Кубок бахсларини истисно қилганда) бир мартадан ўзаро бел олишиб, муҳлислар ва мутахассислар наздида синчков кўриқдан ўтидилар. Ва, табиийки, шунга яраша мавке топиб, турнир жадвалидаги ўринларга мос равишда жойлашдилар. «Дўстлик» биринчи, «Самарқанд»-«Динамо» иккинчи, «Насаф» учинчи...

Иккинчи даврада бу тартибга ўзгариш киритилди, албатта. Футбол аслида шуниси билан қизиқарлидир. Майдон текис, тўп думалоқ, деб бежиз айтмай-дилар. Лекин, барибир нима бўлганда ҳам охир оқибатда омад кучлиларга кулиб боқади. Шундай бўлган, шундай бўляпти ва шундай бўлиб қолаверади. Фақат бунга осонлик билан - бир ойда, бир мавсумда ва ҳатто икки-уч йилда эришиб бўлмайди. Сабр-чидам ва астойдил қилинган ҳаракатгина, энг муҳими, қўйилган вазифага ҳалол ёндошувгина кўзланган манзилга элтиши мумкин. Бугунги аҳвол шундайки, у масалага жиддий ва катта масъулият билан ёндошмоқни тақозо этади. Футбол ишига давлатимиз раҳбарининг қўлоқчилик билан муносабат билдиришини қаттиқ хайфсан деб билмоқ, айни вақтда, бундан бунинг саъй-ҳаракатларга рағбат деб тушуноқ даркор. Гарчанд гап кўпроқ энг атоқли командалари «Пахтакор» атрофида кечган бўлса-да, аслида у бутунисича юрт футболли ва мамлакат нуфузини янада юксалтириш хусусида эди. «Пахтакор» Тошкентда, ўз майдонида Урганчининг «Хоразм» жамоасига 2:3 ҳисобида мағлубиятга учраган кун стадиондан чиқиб бораётган ота-бола муҳлисларнинг суҳбатидан қулоққа чалинган ушбу сўзлар ёдга тушади, бе-ийтиёр. - Ютади дегандингиз, - дёрди ўпқаланиб ўғил отасига, кўз ёшларини тийлмай, - ана, яна ютқазди-ку! Ота бу муваффақиятсизликка гўё ўзи айбдордек хижолат тортанча ўғлини юпатишга ҳаракат қиларди. - Футболда шунақа тасодифлар ҳам бўлиб туради. Кўрасан, кейинги сафар албатта ютаемиз... Бизга энг таъсир қилгани отанинг «ютаемиз» деган сўзи

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир хайъати:
Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Эқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибати 56-52-78,
136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумат: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли тўғоқнома берилган. ТВМ компьютерли терилди ва сақланган. Обсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий алади 14.002 нусха. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти 22.15